O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 20 MART ◆ SESHANBA ◆ № 36-37 (26.739)

17 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Навоий вилоятидаги саноат корхоналари фаолияти билан танишиш мақсадида Зарафшонда бўлди.

МУРУНТОВ – ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОЛТИН ТОЖИ

Дастлаб Президент фосфорит рудаси қазиб олинаётган Тошкўра карьерига борди.

Бу кондан қазиб олинадиган руда фосфорит моддасига бойлиги билан ажралиб туради. Ҳисоб-китобларга қараганда, конда миллионлаб куб метр руда бор. Бу эса ундан ўнлаб йиллар давомида фойдаланиш мумкин, деган гап.

Ислом Каримов кондан руда қазиб олиш жараёни, хомашё заҳираси, иқтисодий кўрсаткичлари билан қизиқди.

Олимларимиз мазкур ҳавзада кўплаб фосфорит рудали конларни аниқлаган. Улар сирасига Жерой, Қуруқдуқ, Ойдинбулоқ, Азнек, Оёққудуқ, Нура, Сангрантов, Тошқудуқ каби карьерларни киритиш мумкин. Заҳира катта, лекин ундан самарали фойдаланилса, кўрилажак фойда янада каттароқ бўлади.

Бунинг учун, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари, мазкур конлардан олинаётган хомашёни қайта ишлаш уч йўналишда олиб борилиши зарур. Биринчидан, қишлоқ хўжалиги талабларига мос келадиган маҳсулот ишлаб чиқариш зарур. Чунки деҳқонларимизда фосфор ўғитларига ҳар доим эҳтиёж бўлади. Улар учун мўлжалланган маҳсулотлар таннархи арзон, хўжаликлар сотиб олишга қурби етадиган бўлиши керак. Иккинчи йўналиш — кимё заводлари учун маҳсулот ишлаб чиқариш. Уларга таркибида фосфорит моддаси анча юқори бўлган хомашё жўнатилиши табиий. Конларимизда эса бундай корхоналар талабига жавоб берадиган хомашё анчагина. Учинчи йўналиш халқаро андозаларга мос экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришдир. Айни шу соҳага алоҳида эътибор қаратиш керак. Чунки, Ўзбекистондаги конлардан фосфорит қазиб олишнинг бирмунча афзал томонлари бор. Аввало, таннарх арзон. Бундан ташқари, конлардан узоқ муддат самарали фойдаланиш мумкин. Қолаверса, экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фойдали жиҳати ҳам кўп. Бизга ҳудудий жиҳатдан яқин бўлган, маҳсулотларимизга асосий харидор мамлакатларда қишлоқ хўжалиги устувор соҳалардан ҳисобланади. Биз бу имкониятлардан самарали фойдаланмоғимиз зарур.

Ислом Каримов Қизилқум фосфорит комбинати фаолияти билан ҳам танишди.

Мустақиллик йилларида фойдаланишга топширилган мазкур корхона мамлакатимиздаги кимё заводларини фосфорит хомашёси билан таъминлайди. Бу ерда энг замонавий технологик ускуналар ўрнатилган. Шу кунгача комбинатда 600 минг тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, унинг 400 минг тоннасини фосфорит конденсати ташкил этади. Комбинатнинг конлар яқинида қурилганини ва улардаги заҳира узоқ йилларга етишини ҳисобга олсак, ундаги ишлаб чиқаришнинг самарадорлигига шубҳа қолмайди.

Президентимизнинг комбинатга ташрифи чоғида бу ерда рудани майдалаш цехи ишга туширилди. Бу эса корхона қувватининг янада ошишига, демакки, қишлоқ хўжалиги учун жуда зарур бўлган фосфорли ўғитлар кўпайишига олиб келади. Янги конлардан фойдаланиш йўлга қўйилаётгани, комбинат қувватининг оширилиши мамлакатимиз кимё заводларига етказиб берилаётган хомашё миқдори кўпайишини ҳам таъминлайди.

Шу куни давлатимиз раҳбари Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли Мурунтов олтин конига ҳам борди.

Мурунтов дунёдаги энг олтинга бой конлардан бири ҳисобланади. Бу ерда илк бор бўлган киши кўз олдида намоён бўлган ажойиб манзарани кўриб, ҳайратланмасдан иложи қолмайди. Тўрт юз метр чуқурликдан рудани юқорига олиб чиқаётган қудратли юк машиналари қумурсқадек бўлиб кўринади. Манзарани кўриб, бундай салоҳиятни унча-мунча давлат кўтара олмайди, деган хаёлга борасан, киши. Ўзбекистон эса нафақат шундай улкан залворни тортиб келяпти, балки саноатнинг бу турини янада ривожлантириб, дунёнинг етакчи мамлакатлари сафидан жой олишга ҳаракат қиляпти.

Кончиларда конни чуқурроқ ва кенгроқ қазиш керак, деган тушунча бор. Бепоён Қизилқум бағрида меҳнат қилаётган кончилар бу қонунни замонавий технологиялар воситасида амалга ошириш йўлидан бормоқда.

Ҳақиқатан ҳам, Навоий конметаллургия комбинати ишлаб чиқаришга замонавий технология жалб этишда мамлакатимизда етакчи ўринда туради. Комбинат мутахассислари Мурунтовдан руда қазиб олиш жараёнини компьютер ёрдамида бошқариш тизимини жорий этган. Мазкур тизим конда ишлаётган ҳар бир экскаватор ва юк машинасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб туради. Уларнинг ҳар бирида марказий бошқарув тизими билан боғланиш мосламалари ўрнатилган. Дейлик, конда ишлаётган бир экскаватор бўш қолди, бошқасининг ёнида эса юк орттириш учун уч-тўрт машина навбатда турибди. Марказий бошқарув тизимида буни кузатиб турган ходим вазиятни дарҳол таҳлил этади ва навбат кутиб қолган машиналарни бўш турган экскаваторга йўллайди.

Ушбу усулнинг жорий этилиши натижасида Мурунтов конида автотранспорт хизмати самарадорлиги 8-12 фоиз ортди. Бундан кўрилаётган қўшимча даромад миқдори эса 15 миллион АҚШ долларигача етди.

Ислом Каримов навоийлик кончиларнинг энг янги технологияларни ишлаб чиқаришга астойдил жорий этаётганини юқори баҳолади. Айниқса, давлатимиз раҳбари комбинат мутахассисларининг разведка ва эксплуатация чоғида заминни математик модуллаш усулини қўллаётганига катта қизиқиш билдирди.

Бу усул, соддароқ қилиб айтганда, кон заҳираси ва руда таркиби бойлигини аниқлашнинг компьютер технологиясига асосланган математик ҳисоб-китобидир. Унинг жорий этилиши натижасида Мурунтов конининг учинчи навбатидан фойдаланишнинг ўзидан кўриладиган қўшимча даромад миқдори 150 миллион долларга етди.

Ислом Каримов бу усулни мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги конларда қўллаш зарурлигини таъкидлади. Чунки конларни замонавий йўллар билан тадқиқ этиш, улардаги заҳира миқдорини аниқ белгилаш, конлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш жуда муҳим вазифадир.

Мурунтовда янги технологияларни жорий этиш ҳисобига рудадан кўпроқ фойда олиш йўлга қўйилган. Жумладан, ҳозир бу усул билан илгаригидан кўра 15-17 фоизгача кўп фойда кўришга эришиляпти.

Давлатимиз раҳбарининг Навоий вилоятидаги саноат корхоналари фаолияти билан танишуви аён бўлдики, бугунги кунда мамлакатимиздаги кўплаб корхоналар замонавий технологияларни жалб этишга зўр бериб ҳаракат қилмоқда. Бу эса юртимизнинг тез орада саноати ривожланган мамлакатлар сафидан жой олишидан далолатдир.

■ **Анвар КАРИМОВ,**
ЎзА мухбири

***

■ **Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат**

ДИЛФУЗАНИНГ УЛКАН ЮТУҒИ

Халқимизнинг севимли байрами — Наврўз арафасида мамлакатимизга Японияндан ажойиб хушхабар келди. Унда Хиросимада ўтказилган Халқаро болалар асарлари танловига АҚШ, Россия, Хитой, Корея Республикаси, Франция, Австралия каби давлатлар ҳамда Японияндан юборилган 6 мингдан зиёд расм орасида Ўзбекистон Бадиий академияси Андижон вилоят лицейи ўқувчиси Дилфуза Матбобоева «Маҳаллада тўй» асари учун танловнинг биринчи соврини ва Хиросима шаҳри мэри Тадатоси Акибанинг Фахрий Дипломи билан тақдирлангани айтилган эди.

Дилфузанинг онаси — Андижон вилояти Избоскан туманидаги Тўрткўл қишлоғида яшовчи Тожибар Матбобоева ўз қувончини билдириб Президентимиз Ислом Каримовга мактуб йўллади.

У ўз хатида отасиз ўсгани, 18 ёшида онасидан ҳам айрилиб қолгани, ҳаётда кўп қийинчилик кўргани, айни вақтда тўрт фарзанд тарбиялаётгани, улардан икки нафари рассомликка ихтисослашган лицейда ўқиётгани ҳақида ҳикоя қилади. Қизи Дилфуза — чекка бир қишлоқдаги оддий оила фарзандининг бундай муваффақиятга эришиши буюк истиқлол берган имкониятлар туфайли, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов юритаётган халқпарвар сиёсат шарофатидан эканлигини алоҳида таъкидлаб, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида кўрсатаётган ғамхўрлиги учун Президентимизга ўзининг самимий миннатдорлигини билдиради.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов шу муносабат билан Дилфузанинг онаси Тожибар Матбобоевага табрик хати йўллади. Унда шундай дейилади:

Ҳурматли Тожибар синглим!

Аввало, қизингиз Дилфуза эришган катта ютуқ — Японияда бўлиб ўтган халқаро расмлар кўргазмасида биринчи ўринни қўлга киритгани билан сизни ва барча оила аъзоларингизни табриклайман.

Юртимизнинг олис бир қишлоғида яшайдиган оддий ўзбек қизининг бу ютуғи бутун халқимизнинг, аввалам-бор, ҳаётга умид ва ишонч билан қадам қўяётган, унибўсиб келаётган ёшларимизнинг қувончи, миллий ғуруримизни оширадиган, маънавий салоҳиятимизни намоён этадиган яна бир далил, десам, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Менга йўллаган хатингизни ўқиб, сизнинг кўп-кўп қийинчиликлардан, ҳаёт синовларидан ўтган инсон эканингизни англадим. Лекин ҳар қандай қийин шароитда ҳам ўз инсонийлик фазилатларингизни сақлаб, бундай хусусиятларни фарзандларингизга, аввало, менинг набирам Дилфузага сингдирганингиз таҳсинга сазовордир.

Мамлакатимизда сиз каби ота-оналар кўпайиб бораётганини, улар сиймосида биз эртанги кунимизни, яъни болаларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлод бўлиб камол топишида фидойилик кўрсатаётган инсонларнинг ҳиссасини кўриб, беиҳоя қувонамиз.

Бундай интилишлар билан яшаётган халқнинг ҳаёти албатта фаровон бўлади, бундай давлатнинг келажаги албатта буюк бўлади.

Оллоҳ таоло сизларни ўз паноҳида асрасин. Хонадонингиздан тинчлик-тотувлик, файзу барака, қувонч аримасин.

Ҳурмат билан,
Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

17 март куни Дилфуза ўқийдиган лицейда катта тантана бўлиб ўтди. Унда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси ўринбосари А. Мелибоев Юртбошимизнинг мактубини ўқиб эшиттирди. Дилфузага Президентимиз номидан қимматбаҳо эсдалик совғаларини топширди. Тадбирда вилоят ҳокими Қ. Обидов қатнашди.

■ **(ЎзА)**

ҚАДОҚ ҚЎЛЛАРИНГДА ОЛАМ УЙҒОНАР

Бободеҳқоннинг қўлларида олам уйғонади. Ернинг вужудида жажжигина униб чиққан ниҳол тўлғонади. Осмон эса эниб келади қучоғини унга кенг очиб, ёмғир қўшиғига замин чулғанади.

Наманган вилоятининг Поп тумани Ғурумсарой ширкат хўжалигидаги Низомжон Жўраев даласида плёнка остига экилган чигит 22 кунда униб чиқди. Деҳқон меҳр қўллари билан ўз «гўдаги»ни эркалайди. Халқимизнинг ризқ-рўзи бўлган пахтага умид кўзини тикади. Чигитини ерга қадаб, ундириб олганларга эса байрамлар ярашади.

Наврўз — гўдакларнинг юзида кулгу. Истиқлолнинг чечаклари қилар тантана. Наврўз кириб келар юртимга яна. Қуёш бош эгади, заҳмат олдида. Бир зум тин олади туйғулар.

Эй одам! Эй олам! Деҳқон қўлларин кўзларингга суртиб тавоф айлагин.

■ **Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар**

УКРАИНАГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Сув тошқини оқибатида зарар кўрган Украина халқига инсонпарварлик юки ортилган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг ИЛ-76 самолёти Львов шаҳрига келиб қўнди. Ўзбекистонликларни аэропортда Львов ва Карпаторти вилоятларининг раҳбарияти, Украина Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси Ш. Шохалиловлар кутиб олдилар.

Ўзбекистоннинг инсонпарварлик ёрдамини Карпаторти вилоятининг зарар кўрган жойларига етказиш учун Украина Фавқулодда вазиятлар вазирлиги юк ортадиган автомашиналар, ҳарбий хизматчилар бўлинмаси ва кузатиш учун ДАН ходимларини ажратдилар.

10 та автомашина Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимлари ҳамроҳлигида 17 март куни Карпаторти вилоятининг Мукачева тумани марказига етиб келди.

Бу ерда инсонпарварлик юкини Украина тарафи ходимларига топширишнинг тантанали маросими бўлиб ўтди. Маросимда Украина фавқулодда вазиятлар вазирининг ўринбосари, генерал-майор Р.Марченко, вилоят маъмурияти бошлиғи В. Балого ва бошқа расмий кишилар қатнашдилар.

Иштирокчилар кўрсатилган инсонпарварлик ёрдами учун Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ва халқига миннатдорчилик билдирдилар, ёрдам Украина ва Ўзбекистон халқлари дўстлигини янада мустаҳкамлашини таъкидладилар.

■ **Неъматулло АШИРМАТОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходими

БРЮССЕЛДА ЎЗБЕК ФИЛЬМИ

Брюсселда «Cinema-NOVA» киноассоциацияси томонидан ташкил этилган фестиваль доирасида ўзбек режиссёри Юсуф Розиқовнинг «Воиз» фильми премьераси бўлиб ўтди.

1997 йилда ташкил қилинган «Cinema-NOVA» ташкилоти ҳозирги кунда Бельгиянинг етакчи киноассоциацияларидан бирига айланиб, дунё халқларининг бетакрор ва ўзига хос маданияти ва одатларини намоён этувчи муқобил кино санъатини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Фестивалда Россия, Украина, Белоруссия, Литва, Қирғизистон, Қозоғистон ва Тожикистоннинг фильмлари ҳам намойиш этилди.

Бош роль ижрочиси, ўзбекистонлик актёр ва режиссёр Баҳодир Одилов сўзга чиқиб, ушбу фильмнинг суратга олиниши ҳукуматимизнинг кино санъатига бераётган эътибори ва қўллаб-қувватлаши туфайли амалга оширилганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

1998 йилда суратга олинган бу фильмнинг премьераси дунёнинг бир қатор давлатларида бўлиб ўтди ва танқидчиларнинг юқори баҳосига сазовор бўлди. Фильмда ўзбек халқининг бетакрор ва ўзига хос анъаналари, унинг меҳнатсеварлиги, меҳмондўстлиги ва ички дунёсининг гўзаллиги акс эттирилган.

Бельгиялик томошабинларда фильм катта қизиқиш уйғотди. Премьерадан сўнг бўлиб ўтган мунозарада томошабинлар фильм ижодкорларига юқори баҳо бериб, ўзбек заминининг, табиатимизнинг гўзаллигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

«Cinema-NOVA»нинг раҳбари Лаурент Говартс ўзбек фильмининг премьераси давлатларимиз кино усталари ўртасидаги ҳамкорлик учун замин бўлади, деб ишонч билдирди.

■ **«Жаҳон» АА**

АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗНИ ЎРГАНАЙЛИК

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ўз вақтида қабул қилинди. Чунки мамлакатимизда истиқлолнинг ўн йиллигини нишонлаш учун тайёргарлик кетмоқда.

Жамият ҳаётининг турли жабҳаларидаги муносабатларни тартибга солувчи ўнлаб қонунлар қабул қилинди. Афсуски, улардан айримлари суст, баъзан деярли ишламаяпти. Ёки фуқароларнинг ҳуқуқий малакасини ошириш учун кўп ишлар талаб қилинмоқда. Буни эса Асосий Қонунимизни ўрганишдан, унга таянишдан, бу орқали одамларнинг ҳуқуқий ва сиёсий малакасини оширишдан бошлашимиз лозим. Ўз давлатининг Бош Қонунини мукаммал ўрганган фуқарогина жамиятда кечаётган ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланади.

Хуллас, Қашқадарё вилоят ҳокими Президент Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида алоҳида фармойиш чиқарди. Унга биноан, шаҳар, туман ҳокимликлари, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла», «Камолот» жамғармаси вилоят бўлимлари, бошқа жамоат ташкилотлари, ўқув юртлари Асосий Қонунимизнинг ўзига хослиги, моҳияти ва вазифалари борасида тарғибот ишларини олиб борадилар. Таълим муассасаларида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» курслари ўқитилади. Бошқа оммавий тадбирлар ҳам кўзда тутилган.

■ **Юнус УЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 20 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: */*

1 Австралия доллари	167,34	10 Люксембург франки	75,31
1 Австрия шиллинги	22,08	1 Малайзия рингити	89,26
1 Англия фунт стерлинги	486,08	1 Германия маркаси	155,34
10 Бельгия франки	75,31	1 Польша злотийси	82,47
1 Голландия гульдени	137,87	1 СДР	433,56
10 Греция драхмаси	8,92	1000 Туркия лираси	0,34
1 Дания кронаси	40,72	1 Финляндия маркаси	51,10
1 БАА дирхами	92,34	1 Франция франки	46,32
1 АҚШ доллари	339,16	1 Швейцария франки	197,82
1 Миср фунти	87,64	1 ЕВРО	303,82
10 Испания песети	18,26	10 Жанубий Корея вони	2,63
100 Италия лираси	15,69	10 Япония иенаси	27,66
1 Канада доллари	217,12	1 Россия рубли	11,85
1 Хитой юани	40,98	1 Украина гривнаси	62,55

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КЕНГАШЛАРИ ПЛЕНУМЛАРИ

Андижон. ЎзХДП Андижон вилоят кенгашининг пленумида, Андижон вилоят партия ташкилотининг, ЎзХДП Марказий Кенгаши III пленуми қарорларини бажариш бўйича, вазифалари, шунингдек, унинг «Она ва бола йили» тадбирларида иштирок этиши ҳақидаги ва бошқа масалалар муҳокама қилинди. Улар тўғрисида вилоят партия кенгаши биринчи котиби С. Раҳимовнинг маърузаси тингланди. Партия фаоллари — «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази Андижон вилоят бўлими масъул котиби А. Нурматов, Ўзбекистон ХДП Андижон шаҳар кенгаши биринчи котиби Ш. Ҳайдаров, Жалақудуқ тумани «Ҳақиқат» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси М. Қурбонова, «Маҳалла» хайрия жамғармаси Андижон вилоят бўлими раиси А. Солиев, кун тартибидаги масалаларга доир, фикр-мулоҳазаларни билдирдилар, таклифлар киритдилар.

Пленумда ЎзХДП Марказий Кенгаши котиби А. Рустамов, Андижон вилоят ҳокимининг ўринбосари Р. Тиллабоев иштирок этиб, сўзга чиқдилар.

■ **Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

***

Бухоро. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва унинг ташкилотларидан давлат ҳокимияти турли даражадаги вакиллик идораларига, Бухоро вилоятидан, талай депутатлар сайланган. Улар, амалда, сайловчилар манфаатига мос фаолият кўрсатяптиларми? Ана шу саволга ЎзХДП вилоят кенгашининг, яқинда бўлиб ўтган, пленумида атрофлича жавоб изланди. ЎзХДП вилоят кенгаши иккинчи котиби Б. Муҳиддиновнинг, «Вилоят партия ташкилотининг Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши III пленуми қарорларини бажариш юзасидан вазифалари тўғрисида»ги, маърузасида масала кенг ёритилди.

Сўзга чиққан — Бухоро, Пешку туман партия кенгашларининг биринчи котиблари — С. Жўраева, Э. Холов, партия фахрийси О. Ҳамроева, халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги партия депутатлари гуруҳи раиси А.Камолов ва бошқалар, бу борадаги, ютуқ ҳамда камчиликларни ошкора таҳлил этиш билан бирга, ҳали бартараф этилмаган қусурларга ҳам урғу бердилар, айрим депутатларнинг шахсий фаоллиги сайловчиларни тўла қониқтирмаётганлигини алоҳида таъкидладилар. Шунингдек, пленумда Қоракўл, Ромитан ва бошқа қатор туман партия кенгашлари фаолиятидаги сусткашлик ташвиш туғдираётгани кўрсатиб ўтилди.

Пленумда вилоят партия ташкилотларининг, «Она ва бола йили» Давлат дастури доирасида бажарадиган, тадбирлари белгилаб олинди. ЎзХДП вилоят кенгаши 2000 йилги бюджетининг ижроси ва 2001 йил бюджети лойиҳаси тасдиқланди.

Пленум, кўрилган масалалар юзасидан, тегишли қарорлар қабул қилди.

Пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши масъул ходими С. Қурбонов сўзга чиқди.

■ **Даврон БАҲРОНОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

***

Самарқанд. Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ХДП вилоят ташкилотининг, Марказий Кенгаш III пленуми қарорларини бажаришга оид, вазифалари, унинг 2000 йилги бюджети ижроси ҳамда 2001 йилги бюджети лойиҳаси ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Маърузачи — Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Р. Ҳамроқулов ҳамда музокараларда иштирок этган — Пастдарғом туман партия кенгашининг биринчи котиби Ғ. Амиров, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзоси, «Рисола» фирмаси директори Х. Муртазаев, Иштихон туманидан — маҳалла қўмитаси раисаси Ш. Ғуломова, «Зарафшон» газетаси муҳаррири Ф. Тошев ва бошқалар ўз таҳлилий, танқидий фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Пленумда, кўрилган масалалар юзасидан, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленумда ЎзХДП Марказий Кенгашининг масъул ходими С. Усмонов сўзга чиқди.

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

КЕЛАЖАК ЛОЙДЕВОРИ

Миллий истиқлол ғояси жамиятни бирлаштирувчи ва ривожлантирувчи омиллардан бири. У ўз навбатида миллий маънавият ва маърифат асосида шаклланади. Бинобарин, юксак маънавиятли ва маърифатли халқнинг истиқболи порлоқ. Шундай экан, миллий ғоя ва мафкура, миллий маънавият ва маърифат бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқ тушунчалардир.

Тарих буюк олим ва алломаларни Марказий Осиё замини етказиб берганлигига гувоҳлик беради.

«Биз шошилмасдан, асосий мақсаддан оғишмай,» — дейди Президентимиз, — изчиллик билан миллий дастурни амалга оширишимиз лозим. Шундагина, у умумий маданиятни юксалтиришга, фарзандларимизнинг жамиятда ўз ўрнини топишига хизмат қилади». Юртбошимиз «изчиллик» сўзи орқали бошланғич таълимга урғу бераяпти. Худди шунингдек, «Таълим тўғрисида»ги Қонунда ҳам бошланғич таълимга алоҳида эътибор берилган.

Шу боисдан бугун миллий дастур талабларини муваффақиятли амалга ошириш учун ишни нимадан бошлаш керак, деган ҳақли савол кўндаланг турибди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон келажаги буюк давлат бўлиши учун маънавиятли инсон камолоти пилларини қуришимиз ва дастлаб кичик ёшдаги болаларни қутлуғ қадамлар билан юксак чўққиларга оғишмай одимлашларини таъминлашимиз лозим.

Зотан, мамнуният билан шуни таъкидлаш жоизки, бошланғич таълим концепцияси, давлат таълим стандарти асосида янги дарсликлар, ўқув қўлланмалар мажмуасини яратиш ҳозирги кунда муваффақиятли амалга оширилмоқда. Дарҳақиқат, кейинги вақтларда вазирлик дарслик ёзувчи педагог-олимларнинг бошини қовуштириб, уларни миллий истиқлол ғояси асосига қурилган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари тайёрлашга йўналтирмоқда. Айниқса, уларнинг маъно-мазмунига миллийлик нуқтаи назаридан қаралиши диққатга лойиқдир.

Таълим ва тарбия тизими равнақи тарихида муҳим ўринни эгаллаган бобокалонларимиз Шермуҳаммад Мунис («Саводи таълим», 1803 йил), А. Мақсудий («Муаллими сони», 1892 йил), С. Саидазизов («Саводи аввал», 1902 йил), А. Авлоний («Биринчи муаллим», 1913 йил), Ю. Шоший («Алифбо», 1903), А. Зоҳирий («Имло», 1916 йил), Элбек («Битик йўллари», 1919 йил), Ш. Раҳимий («Совға» алифбо дарслиги, 1919 йил) ва бошқаларнинг илмий-педагогик қарашлари ва фаолиятларини уларнинг бой дидактик мероси, илмий-назарий йўриқлари ва тамойилларини пухта ўрганиш бугунги куннинг долзарб масаласидир. Зеро, улар халқ таълимининг тараққиётига илмий-методик ва амалий жиҳатдан салмоқли таъсир қилади.

Президентимиз таъкидлаганларидек, «... боланинг дунёқараши, диди, салоҳияти шаклланадиган бошланғич синфларда энг етук, энг тажрибали мураббийлар биркитиб қўйилишини мантиқнинг ўзи талаб этади». Шу фикрлар асосида малакали кадрларни жой-жойига қўйиш ва тайёрлаш масаласи турибди. Зеро, ўқитувчининг билим савияси, малакаси ва методик салоҳияти бола камолотида ҳал қилувчи омилдир. Савод сабоғидан тортиб, юриш-туриш, муомала-муносабат, кийиниш, овқатланиш одоби, сайр-саёҳат қилиш одобини сингдириш, қўйингки, таълим ва тарбиянинг ҳар бир қиррасида ўқитувчи-мураббийнинг ташқи қиёфасидан бошлаб, ички бойлиги намоён бўлмоғи, бола эса ундан маънавий озиқланиши лозим.

Мурғак инсонни тарбиялаш учун анчагина мураккаб жараёнларни босиб ўтишга тўғри келади. Ўқитувчи эса ана шу масъулиятли вазифани бажариш учун яратилган улуғ зот.

Шунингдек, бағрикенглик ўқитувчига ҳамиша ҳамроҳ бўлмоғи лозим. Шундай ўқитувчилардан таълим олган болалар ўзини эмин-эркин тутади.

Жадаллашиб бораётган техника асрида инсон тўхтовсиз турли ахборотларни қабул қилиши ва уни ҳаётга тезкорлик билан татбиқ этиши лозим. Бунинг учун инсон кўп ўқиши, ўрганиши, тезкор фикр юритиш уқувига эга бўлиб, фаолият кўрсатиши лозим.

Демак, бошланғич таълимга эътибор маънавият ва маърифат тарбияси муаммосининг ҳал қилиниши сари қўйиладиган дастлабки қадамдир.

■ **Қумри АБДУЛЛАЕВА,**
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институтининг «Маънавият ва маърифат» бўлимининг мудири, педагогика фанлари доктори

17 МАРТ. «НАВРЎЗ, ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК»
РЕСПУБЛИКА ЭКОЛОГИК ҲАШАРИ

■ Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ШУНДАЙ ОДАМЛАР БОР БЎЛСИН

ҲИММАТИ БАЛАНД ГУЛЧИ

Озод ва обод Ўзбекистонимизни янада кўркам қилиш, гулзорга айлантириш бугунги кунда халқимизнинг энг шарафли ишига айланган. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини ўтказиш тўғрисидаги қарори жуда кўпчиликни ҳиммат кўрсатишга, қалб даъвати билан савобли ишларни амалга оширишга даъват этмоқда.

Қувада Муҳаммаджон Бозоров деган оддий гулчи деҳқон бор. Ўз томорқасида турли хил анвойи гулларни етиштиради. Ҳозирда бу гулчи янгидан 20 дан ортиқ гул навини яратмоқда. Мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошланиши билан Муҳаммаджон Бозоров оила аъзолари билан маслаҳатлашиб, Фарғона шаҳридаги ал-Фарғоний хиёбонига ва пойтахтимиз Тошкентдаги Алишер Навоий номли Миллий боғга 5 минг тупдан гул кўчатларини ҳадя этишга азму қарор қилди.

— Чорак асрдан бери гулчилик билан шуғулланаман. Тадбиркорлигимни туман ҳокимлиги ва ҳокимимиз Муҳаммаджон Носиров ҳамиша қўллаб-қувватлаб келади. Юртимизни гуллар масканига айлантириш учун кенг имкониятлар яратилган. 2 гектар ерда гул плантацияси яратяпман. Бу йил она Ўзбекистонимиз истиқлолининг 10 йиллик тўйи нишонланади. Ана шу тўйга ўзим етиштирган гул кўчатларини ҳадя қилмоқчиман. Март-апрель ойларида «Кардинал», «Паскал», «Нарита» ва атиргулларнинг 20 га яқин навидан пойтахтимизга 100 минг туп гул кўчатларини хайрия-совға тариқасида етказиб бераман. Бу менинг, оиламнинг мустақиллигимизнинг 10 йиллигига совғамиз бўлади, деган умиддаман, — дейди гулчи Муҳаммаджон Бозоров.

Бугун Қувада яратилаётган гулзорларнинг гўзаллиги, экилаётган кўчатлар ана шу инсон гулзоридан олинган. Ҳиммати баланд гулчининг янги нав гул кўчатлари пойтахтимиз хуснига янада ҳусн қўшади.

■ **Содиқ ДЕҲҚОНОВ**

БАЙРАМ СОВҒАСИ

Улуғ айём Наврўз арафасида мамлакатимиз бўйлаб кўплаб эзгу ишлар, тантаналар кўтаринки руҳда давом этмоқда. Куни кеча Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасида ҳам тадбир бўлиб ўтди.

Аҳамиятли томони шундаки, йиғинда вилоят ҳокимлиги томонидан мазкур бошқармага 3 та тезкор қутқарув автомашинаси ажратилди. Бу машиналар махсус ускуналар ва алоқа воситалари билан замонавий шаклда жиҳозланган бўлиб, фавқулодда ҳолатлар юз берган жойга хабар қилиниши ҳамона етиб боради. Тадбирда сўзга чиққан вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш. Абдурахмонов, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи, полковник Э. Икромовлар истиқлолдан сўнг ушбу соҳада ҳам изчил ўзгаришлар содир бўлганлиги ва ҳукуматимиз томонидан жиддий эътибор қаратилаётганлигини таъкидладилар.

■ **Шокир НОРҚОБИЛОВ**

«АВЕСТО»НИНГ 2700 ЙИЛЛИГИГА

МОЗИЙДАН «АВЕСТО»ГАЧА...

ўз қадрини йўқотмаган ҳақиқатлар

Динларнинг тарихий хизмати — инсонларни эзгуликка етаклаш, энг улуғ фазилатларни камол топтириш, жаҳолатга зарба бериш ва шу тарбия воситалари орқали олий Ҳақиқатга эришишдир. Ҳар бир дунёга келган янги пайғамбар ўз қавмини ортидан эргаштирар экан, мутлақ ҳақиқатларни топишга, шунга кўпчиликни ишонтиришга интилади. Ўз давридаги ва келгусидаги қавмлари ўқиб-ўрганишлари учун бирламчи зарур бўладиган қўлланма — китоб эса қанчалик ишонарли, далил-исботли, факт-шарҳли бўлиши дин умрбоқийлигини таъминловчи омил ҳисобланади. Зардуштийларнинг китоби «Авесто» ҳам бу ҳақиқатлардан ҳоли эмас, балки ўзида жамланган икки минг йилдан зиёд тарихга алоқадор юзлаб асотирлари, тимсоллари, тамсиллари, лавҳалари билан қадрлидир. Китобда келтирилган қатор афсоналарнинг жаҳон мифологиясида ўз ўрнига, ўз қадр-қимматига эгалиги бу фикримизнинг исботидир.

Айни пайтда дин ўз қавмлари учун яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва жаҳолат ўртасидаги фарқни белгиловчи қонунларни ҳам ўртага ташлайди. Яъни, умматлари нима қилишлари керак, нима қилмасликлари шарт каби тартиб-қонунларни яратади. Ва ўз китобида яна шу қонуниятларни тўла далилловчи афсона, лавҳа, тимсолларни келтиради. Қисқача айтсак, дин ўргатади, керак бўлса тақиқлайди. Шу тахлит инсониятнинг азалий орзуси яхшиликнинг ёмонлик устидан ғалаба қозониши ҳақиқатига яқинлашиб борилади.

Шу ўринда аждодларимизнинг китоби бўлмиш «Авесто»да баён этилган бандаларнинг соғлиғини сақлаш билан боғлиқ хусусиятларга эътибор қаратмоқчиман. «Авесто»да инсонлар саломатлигини сақлаш борасидаги илми маърифлар жуда содда баён қилинади. Яъни, мамлакат ободончилиги, озиқ-овқатнинг бисёр бўлиши, тоза сув, турар жойларнинг қулайлиги етарлича бўлиши ва булар учун деҳқончиликнинг ривожи ва ҳунармандчиликнинг равнақ топиши зарурлиги уқтирилади. Бир қарашда «иккига иккини қўшсак — тўрт бўлади» қабилидаги энг жўяли бу ҳақиқатлар бизга эртакларни эслатса-да, ўз даврида — бундан уч-тўрт минг йил муқаддам турли қавмлар ўзгалар ерини ғорат қилаётган, чорвасини талаётган, одамларни қатли ом қилаётган, атроф-муҳитни булғаётган замонларда ўз қийматини бир неча баробар оширган муҳим фактор вазифасини ўтаган.

Оддий бир мисол: «Авесто»да ер, сув, ҳавони ифлослантириш қаттиқ гуноҳ деб уқтирилади. Бу талабга риоя қилмаганларга 400 қамчи уриш жазоси белгиланган. Одатда юз-юз эллик камчилик жазонинг аксар ҳолларда инсонни майиб-мажруҳ қилиши, ҳатто ҳаётини хавф остида қолдиришини назарда тутсак, бу ўлим жазоси ёки шунга яқинлигини англаш қийин эмас.

Жаҳон қонунчилиги тарихида энг ибтидоси деб ҳисобланадиган, бундан уч минг етти юз йил олдин Вавилонда яратилган «Хаммурапи қонунлари»да табиат, ер, сув, ҳаво билан боғлиқ бирорта банд ёки модда йўқ. Ёки кўҳна Юнонистондаги «Солон ислоҳотлари», илк демократик давлат тарзида улуғланадиган кўҳна Риммнинг «XII таблицали қонунлари»да ҳам энг муҳим бўлган ана шу мавзуга эътибор берилмаган. Бу қонунлар асосан, оилавий низолар, ўғрилик, фаҳш, алдамчилик, қотиллик, савдо билан боғлиқ келишмовчиликларни тартибга солган ва ўз даври нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ана шу ҳолатларга турлича жазолар белгилаган.

Энди табиий савол туғилади: «Авесто»да нима учун она-табиат, атроф-муҳитга шу қадар катта эътибор қаратилди?

Буни «Авесто» яратилган замин — жўғрофий муҳит билан боғлаш ҳам унчалик тўғри бўлмас. Аслида, инсон табиатнинг бир бўлаги, демак шундан келиб чиқиб одам организми ва табиатда мавжуд унсурларнинг боғлиқлиги, ана шу боғланишга путур етказилса алалоқибат катта йўқотишлар рўй бериши теран англангандир.

Китобда ариқлардаги оқар сувлар ўз-ўзини доимо тозалаб туради деган фикр мавжуд. Шундан келиб чиқиб, фақат оқар сувдан истеъмол қилиш зарурлиги уқтирилади. Халқимизда мавжуд «Сув етти марта думаласа тоза ва ҳалол бўлади» ибораси ибтидоси ҳам аслида оташпарастликка бориб тақалади.

Шарқнинг доно фалсафаси ибтидода ўртага сурган ғоялар — ҳаётий устқурмалар минг-минг йиллар аслини йўқотмай келди, у ёки бу кўринишдаги диний ёки дунёвий оқимдаги алломаларнинг рисолаларида қисман тўлдирилиб, қисман шаръий ва қисман дунёвий қонунлар таркиб топишига ўз ижобий таъсирини кўрсатди. Ҳатто варварлиги билан тарихга битилган мўғулларнинг «ясоқлари»да ҳам ана шу ҳолатни кўрамиз. Яъниким, «ясоқлар»да қирқдан ортиқ жиноий хатти-ҳаракатлар учун ўлим жазоси белгилаб қўйилган. Уларга уларни ўз динларига зўрлаб ўтказишга интилмаганлар. Аксинча, қайсиким, қалъа ёки шаҳарни қамал қилиб, қўлга киритгач, шу қалъа, шаҳардаги аҳли дин пешволарини, уламоларни авф этишгани, ўз сарҳадларига олиб кетишгани тарихдан маълум. Шу маънода «ясоқлар»га кирган айрим табиатга муносабат билан боғлиқ қатъий чора-тадбирларни улар ўзлари қўлга киритган мамлакатлардаги қонун-қоидалардан ўзлаштириб олишган, деган тахмин ҳақиқатга яқинроқ келади. Чингиз истилоси даврида қадим Хоразмда ислом дини давлат дини ҳисобланса-да, ҳалиям халқнинг турли қатламлари орасида зардуштийлик билан боғлиқ расм-русумлар, (улар турли кўринишда ҳамон сақланиб қолган) афсона-ривоятлар у ёки бу кўринишда мавжуд эди. Ҳатто, исломни қабул қилмаган мажусийлар гуруҳлари очиқ ёки яширин тарзда фаолият кўрсатаётган эдилар...

Инсон саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш борасида «Авесто»да берилган маслаҳатлар орасида ахлатлар, одамнинг ўз танаси чиқиндилари, мурдалардан йироқроқ бўлиш ҳақидаги кўрсатмалар бор. Инсон чиқараётган нафаснинг зарарли эканлиги ҳақидаги фикр ҳам қизиқарли ва баҳсталабдир. Чунки, ҳали кислород ва карбонад ангидрид расман кашф қилинмасидан, бу ҳақда табобат ўз нуқтаи назарини баён қилмасидан бир неча минг йиллар олдин ўртага ташланган бу фикр фан назарида ҳам қимматлидир.

«Авесто»да инсон касалланишининг бош сабабларидан бири сифатида овқатланиш тартибининг бузилиши кўрсатилади. Яъни, вақтида овқатланмаслик, кўп оч юриш ёки ҳаддан ташқари кўп овқат истеъмол қилишдан турли хасталиклар — ошқозон-ичак, юрак-асаб, қон-томир касалликлари пайдо бўлади, дейилади. «...Озиқ-овқат яхшиланиши билан халқнинг одоб-ахлоқи ҳам кучаяди. Овқат мўл-кўл бўлса, илоҳий сўзлар ҳам яхши идрок этилади», дейилади «Ясна»нинг 33-бобида.

«Авесто»да хасталикларни уч хил усул — тиғ билан, доривор ўтлар билан, сўз билан даволаш усуллари тилга олинган. Тўғри, қадимги табиблар инсонни даволашда илоҳий сўзлар билан бир қаторда табиий гиёҳлардан фойдаланишни бир қадар билишган ва қўллашган. Китобда тилга олинган даволаш усуллари орасида энг мураккаби ва якуний босқичи ҳисобланган жарроҳликка алоҳида эътибор қаратилган.

«Авесто»да инсон организмига зиён етказувчи хасталиклар сони 9999 деб кўрсатилади. Уларни гўё жоҳил худо Анҳра-Манью юборар ва дард танага руҳ орқали кираркан. Ўз навбатида одил худо ҳисобланмиш Аҳура-Мазда барча касалликларнинг олдини олиш ва даволашнинг имкониятларини табибларга ато этган. Фақат икки нарса — ўлим ва қариликнинг давоси йўқ, дейилади ва бу мутлақ ҳақиқат ҳозирда ҳам исбот талаб қилмайдиган аксиомага айланган.

«Авесто»да биринчи табиб сифатида Трита исмли киши тилга олинган. Ривоятларга қулоқ солсак, Аҳура-Мазда Тритага инсонларни даволаш учун 10000 та дори юборган. Кўриниб турибдики, дорилар сони хасталиклар сонидан бир донага кўп. Бу эса табиблар ўз касбининг усталари бўлишса, даволанмайдиган хасталикнинг ўзи йўқ деган хулосага асос бўлади.

Бир сўз билан айтсак, «Авесто» барча соҳаларда муҳим маълумотлар манбаи бўлган тарихий битикномадир. Ундан турли соҳа олимлари ўз фанлари учун муҳим бўлган ибтидоий қарашларни топишлари мумкин. Шарқнинг ўзига хос фалсафаси — дунёқараши, илм-фани, диний ва дунёвий қонунчилиги у ёки бу кўринишда ушбу китобда битилган экан, биз ҳақли равишда ана шу улуғ китобни ўқиган, ундаги қарашларга ишонган, шу тарзда ҳаётини йўлга қўйган узоқ аждодларимиздан ҳақли равишда фахрланишимиз мумкин.

Зеро, неча минг йиллар муқаддам китобда тилга олинган ва ўз қавмларига насиҳат тарзида айтилган табиатга муносабат, атроф-муҳитни эъзозлаш ғояси асримизга келиб ўз долзарблигини яққол кўрсатди. Шўроларнинг «Авесто» у ёқда турсин, бошқа дунё амалиётида бўлган диний қарашларни «халқ учун афюн» деб эълон қилишлари ўлароқ атроф-муҳитга катта зиён етказишди, экологик танглик вужудга келди. Бу ҳақда ахир 2706 йил муқаддам Зардушти оламни огоҳ қилмаганмиди?!

■ **Бахтиёр ДЎСТЧОНОВ,**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

НАВОИЙ ДУНЁ КЕЗАДИ

АЛИШЕР НАВОИЙ — ШОИР, ВАЗИР, ИНСОН

Германиянинг Берлин шаҳрида чоп этиладиган «Восток» (WOSTOK) журнали ўзининг 2001 йил 1-сонида Ўзбекистонлик таржимон ва ёзувчи Йўлдош Парданинг «Алишер Навоий — Шоир, Вазир, Инсон» сарлавҳали мақоласини чоп этди. Қизиғи шундаки, мақола немис тилида ёзилган бўлиб, таржимон уни «Ўзбекистон овози» газетаси ўқувчилари учун ўзбек тилига таржима қилиб берди. Куйида шу мақолани эътиборингизга ҳавола этаётирмиз.

Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Низомиддин Мир Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда сарой хизматчилари оиласида таваллуд топди. Унинг отаси Гиёсиддин Кичкина ўша пайтдаги Хуросон ҳукмдори Шоҳруҳ Мирзо саройида хизмат қиларди. У ўқимишли киши бўлиб, бадиий адабиётга ихлоси баланд эди. Навоийнинг иккита тоғаси шоир бўлган. Ушбу оилавий асосга кўра ёш Навоийнинг бадиий адабиётга жуда эрта кўнгил қўйганлиги ажабланарли ҳол эмас. У жуда ёшлик чоғларидан ғазаллар ёза бошлади ва ўз даврининг етук шоири бўлиб етишди. Унинг ғазаллари фалсафий тафаккур марварид-дурларидир. Уларнинг ёшига қанча ёш қўшилса осмондаги юлдузлардек шунчалар кучлироқ чараклайдилар. Бу ғазалларда чуқур ҳаётий тажриба юксак шоирона санъат билан омухта бўлиб, боқий гўзалликка айланган.

Алишер Навоий ўз асарларини икки тилда, яъни ўзбек ва форс тилларида яратган. Шу сабабдан у «зуллисонайн», яъни икки тил соҳиби бўлган шоир номини олган. У, ўзидан ўттиздан ортиқроқ асарлар қолдирган, улар орасида «Хазойин ул-маоний», «Хамса», «Муҳокамат ул-луғатайн» асарлари алоҳида ўрин тутади.

Ўзининг аҳамиятли, шоҳ асари бўлмиш «Хамса» шарофатидан Навоий дунё адабиётидан ўрин олди. Бу асар сермаънолиги ва образларининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. У бешта катта достондан иборатдир. Биринчи «Хамса» буюк озарбойжон шоири Низомий Ганжавий томонидан яратилган. Кўплаб шоирлар «Хамса», яъни беш достондан ташкил топган бир буюк асар яратишга ҳаракат қилишган. Аммо фақат ҳинд шоири Хисрав Деҳлавийга, тожик шоири Абдураҳмон Жомийга ва Алишер Навоийга буюк Ганжавий ёнидан ўрин олиш бахти насиб этган.

Буюк шоир Алишер Навоий замондошларининг барчаси ўзларининг асарларини форс тилида ёзишар ва ўзбек тилини ғазал ёзиш учун муносиб тил эмас, деган фикрда эдилар. Ўзининг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида Навоий ўзбек тилини замондошларининг «ҳужум»ларидан ҳимоя қилиб чиқди. Шу сабабдан уни ўзбек тилининг асосчиси деб аташади. Алишер Навоийнинг мактабдош дўсти, темурий шаҳзодалардан бири бўлмиш Ҳусайн Бойқаро ҳокимият тепасига келгач, шоирни мухрдор лавозимига тайинлайди. Темурийлар салтанатида бу жуда катта мансаб эди, зеро барча қонунлар ва шоҳнинг барча фармойишлари мухрдор томонидан муҳрланар, акс ҳолда улар ҳуқуқий кучга эга бўлмасдилар. Бадиий адабиёт билан шуғулланиш, ижод қилиш учун умуман вақт тополмай қолгани учун Навоий бу лавозимдан истеъфога чиқади. Аммо Бойқаро уни давлат хизматидан бўшатиб юборишни истамай вазир этиб тайинлайди. Вазирлик чоғида Навоий ўз ҳисобидан турли бинолар, мадрасалар ва ҳаммомлар қурдиради ҳамда камбағаллар кириб, бепул овқатланадиган ошхоналар бунёд эттиради.



Ўша пайтлар ислом динининг гуллаб-яшнаган даврлари эди. Тақводор мўмин-мусулмон бўлган Навоий ҳукмдоридан адолат билан иш кўришни талаб этади, зеро Пайғамбарнинг ҳадисларидан бирида «аллу соатин хойрун мин ибадати санатин», яъни «бир соатлик адолат бир йиллик ибодатдан хайрлироқдир», деб ёзилгандир. Навоий мўмин-мусулмон бўлган, бунга заррача шаклубҳа йўқ, аммо у динни янада чуқурроқ тушунган, янада кенгроқ мушоҳада этган. Шоирнинг асарларини ва унинг қилган амалларини яхшироқ кўздан кечирсак, уларни таҳлил этиб кўрадиган бўлсак, диннинг, иймоннинг ўта жиддий нарса эканлигини панжа орасидан қараш, юзаки муносабатда бўлиш мумкин эмаслигини англаб етамиз. Зеро, иймон Аллоҳга, ул Зотнинг фаришталари ва китобларига, пайғамбарларига, охиратга ишонишдан иборатдир. Бундан ташқари киши тақдирга, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Аллоҳданлигига ва қайта тирилишига ҳам иймон келтириши лозим. Яхши кишилар бошқаларни сўз билан ҳам, қилган амали билан ҳам ерга урмаслиги, дилини оғритмаслиги лозим. Зеро, Навоий айтганидек:

«Кимки бир кўнгли буғузнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлагай».

Инсон, унинг орзу-ўйлари, табиий борлиққа муносабати Навоий асарларининг бош мавзусидир. Навоийнинг фикрича, инсон ўз атрофидаги одамларга қўлдан келганича ёрдам бериши ва ўзининг бир бурда нонини пешона тери тўкиш ҳисобига топиши керак. Бу ғояларини шоир ўзининг шахсий ҳаётида ҳам татбиқ этишга ҳаракат қилган. Айтишларича, Навоий ҳукмдор саройида вазир бўлиб ишлаган кезларида ҳар куни саройга отда борар экан. Маълумки, ўша пайтларда вазири аъзам ўтаётганларида йўлдаги барча кишилар четга чиқиб, таъзим қилиб туришган. Икки навкар отнинг жиловидан тутиб, икки навкар орқадан муҳофаза қилиб юришган. Саройга элтадиган йўл Ҳирот бозорининг ўртасидан ўтар экан. Бозорда бир ҳаммол бўлиб, доимо оёқланг, терга, чангга ботган ҳолда одамларнинг юкини ташиб, ночорларга сув, ўтин келтириб, хизмат қилиб юрар экан. Буни қарангки, Навоий ҳазратлари ўша ҳаммолни кўрганда отдан тушиб, у билан қўл бериб кўришиб, унга узоқ умр, Аллоҳдан хайру барака тилаб, сўнгра йўлида давом этар экан. Буни кўрган одамлар бир куни ҳаммолга дашном беришибди: «Кўрмаяпсанми, вазир жаноблари сенга қанчалар эҳтиром кўрсатаяптилар. Энди сен ҳам сал одам қаторига киргин, уст-бошингни янгилаб, бошингга салла ўраб бизлар билан мачитга чиққин, савдо-сотиқ билан шуғуллангин, вазири аъзамнинг ҳурматига муносиб бўлгин». Ҳаммол одамларнинг маслаҳатига кириб, уст-бошини янгилаб, савдо-сотиқ билан шуғуллана бошлабди, ҳар куни беш маҳал мачитга чиқа бошлабди. Ва ҳар сафар вазири аъзам ўтаётганда йўл четига чиқиб, бошқа савдогарлар билан бирга қўл қовуштириб, таъзим қилиб турадиган бўлибди. Аммо бу чархи кажрафторнинг ўйинини кўрингки, энди вазири аъзам отдан тушиб у билан кўришмайдиган, бошқа кишиларнинг саломига алик олгандек бош иргаб ўтадиган бўлибди. Бу ҳол бир қанча вақт такрорлангандан кейин, ҳаммол сабри чидамай бир куни югуриб вазирнинг қаршига чиқибди. «Вазир ҳазратлари, мен тер ва чанга ботиб, одамларнинг юкини ташиб юрганимда, сиз отдан тушиб, мен билан қўл бериб кўришардингиз. Энди одам қаторига кириб, уст-бошимни янгилаб, кунига беш маҳал мачитда намоз ўқиб, Аллоҳга ибодат қилишни бошлаганимда сиз мен билан бошқалар сингари бош иргаб саломлашадиган бўлдингиз. Бунинг сабаби недур?» «Азизим, — дебди Навоий, — сен оддий ўтин ташувчи бўлиб юрганингда одамларга сендан манфаат етиб турарди. Сен уларнинг зулмат хоналарига ёруғлик, нур бўлиб киргандинг. Шу сабабдан мен сен билан нафақат қўл бериб кўришишга, балки ундан-да ортиқроқ иззат-эҳтиром кўрсатишга ўзимни бурчли ҳис этардим. Бугун эса сен туппатузук савдогарсан, уст-бошинг ҳам жойида, аммо афсуски, сенинг ёрдамингга муҳтожлар бугун афтодаҳол. Тўғри, бу сенинг шахсий ишинг. Эшитишмча, мачитга чиқиб, беш маҳал намозни адо этармишсан, Аллоҳга ибодат қилиб, бойлигингни янада кўпайтиришини илтижо қилармишсан. Илтижоларингни ижобат қилиш ёки қилмаслик, бу энди Аллоҳнинг иши. Мен эса худди сенга ўхшаш Аллоҳнинг бир бандасиман, холос. Аллоҳнинг қарз саломига алик олаётган бўлсам, хўш, мендан яна нима истайсан ўзи?»

Навоийнинг фикрича, киши ўз ватанини севиши ва ҳамиша ўз халқи билан бирга бўлиши лозим. Зеро, Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадисларидан бирида шундай дейилган: «Ҳуббул ватани мин ал-иймон», яъни «Ватанни севмоқ иймондандир». Навоий Пайғамбаримизнинг кўпгина ҳадисларини шеърга солган. Эҳтимол, шу сабабдан ул зотга «Низомуддин», яъни «диннинг низоми» деган тахаллус берилгандир. Алишер Навоий вазир, шоир ва инсон сифатида сўзда ва амалда ўрта асрлардаги схоластикага, зулмкорликка, деспотизмга, тахтни эгаллаш учун олиб бориладиган қонли курашларга қарши чиқди. Бундай курашлар натижасида алалоқибатда бегуноҳ аҳоли жабр кўришини ҳукмдорлар онгига етказишга ҳаракат қилди.

Бу йил Ўзбекистонда шоир таваллудининг 560 йиллиги кенг нишонланмоқда.

■ **Йўлдош ПАРДА**

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

ИМКОНИЯТЛАРИМИЗ КЎП

Оммавий ахборот воситаларида фуқаро авиацияси фаолиятини тартиб этишда 2000 йилдаги ижодий танловда Садриддин Суяров («Ахборот»), Фурқат Зокиров («Давр»), Анвар Авазхўжаев («Ўзбектелефильм»), Мирзаҳаким Тўхтамирзаев («Ўзбекистон қанотлари» — «Крылья Узбекистана») ва Алишер Рўзиевлар («Ўзбекистон овози») ғолиб бўлишганди. Яқинда улар Истанбулда сафарда бўлдилар.

— дейди «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАКнинг Истанбулдаги вакили Баҳодир Хўжаев.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ташкил этилиши билан дастлабки очилган халқаро авиайўналишлардан бири сифатида Тошкент — Истанбул — Тошкент йўналиши ўзлаштирилди. Илк қатнов 1992 йилда амалга оширилганди. Ҳозир йўловчилар миллий авиакомпаниянинг энг замонавий «А-310» ва «Боинг-767» қулай ҳаво кемаларида манзилга етказилмоқда. Бу эса Туркия йўловчиларининг ишончини қозонишга имкон берди. Зеро, Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётлар хавфсизлик ва йўловчиларга жаҳон андозаларида хизмат кўрсатиш нуқтаи назаридан барчага маъқул келмоқда. Шу боис ҳам, 1999 йилда Туркиядан Тошкентга 11,5 минг йўловчи парвоз этган бўлса, 2000 йилда эса бу рақам 14,5 мингга етди.

Йўловчилар сонини ошириш мақсадида бир қатор махсус тарифлар ишлаб чиқилган. Оилавий, ёшлар, гуруҳлар, қатновлар бажариладиган кун учун ва бошқалар шулар жумласидандир. Бу борада «Ўзбекистон ҳаво йўллари» «Турк ҳаво йўллари» авиакомпаниясини ортда қолдирди. Тарифлар маъқуллиги боис, Истанбулдан Тошкент орқали Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига ва у ердан Истанбулга йўловчилар сони ортиб бормоқда. Қатновларга мижоз топиш ва чипталар сотиш билан 10 та агент шуғулланмоқда. Ўтган йилдан бошлаб эса BSP билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Мазкур ташкилот 350 дан зиёд сайёҳлик фирмаси ва агентликларини, шунингдек, Туркияда фаолият кўрсатаётган 50 дан кўпроқ авиакомпанияни ўз сафига бирлаштирган.



Юк ташишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Истанбулдан ўтган йил давомида жўнатилган юк ҳажми 36,7 фоизга кўтарилгани эътиборга молик. Аввалги йил якунлари бўйича МДҲ мамлакатларидан Туркияга ва бу юртдан МДҲга юк ташиш билан Туркия авиабозорида шуғулланаётган барча авиакомпаниялар орасида айнан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» энг яхшиси, деб топилди. 2000 йил майида юк агентлари халқаро ассоциацияси — ФИАТА махсус соврини билан тақдирланди.

— Биз имкониятларимизни тарғиб қилишга алоҳида эътибор бермоқдамиз, — дейди Баҳодир ака. — Миллий авиакомпаниямиз ҳақидаги реклама намойиш этилганидан сўнг мамлакатимизга бўлган қизиқиш янада кучайди. Кўпчилик Ўзбекистон авиакомпанияси Ғарбда ишлаб чиқарилган замонавий техникадан самарали фойдаланаётганимизни билиб ҳайратга тушишди. Бу ҳам йўловчиларимизни кўпайтиряпти.

Шуни ҳам айтиш керакки, МДҲ мамлакатлари авиакомпанияларида ишлаётган ҳамкасбларимиз айнан бизга маслаҳат ва ёрдам сўраб тез-тез мурожаат қилмоқдалар. Бизнинг Ғарб техникасидан фойдаланиш бўйича тўплаган тажрибамиз синчиклаб ўрганилмоқда ва ибрат намунасига айланмоқда. Бу Ўзбекистон авиакомпаниясининг жаҳон авиа ташув бозоридаги етакчилик мавқеини яна бир карра тасдиқлайди. Маҳаллий авиация маъмурлари ўзбек мутахассисларининг халқаро андозалар бўйича ишлай олишларига ишонч ҳосил қилгач, Истанбул аэропортида чартер қатновлари терминалидан халқаро терминалга ўтишга рухсат этишди.

Дунёда мамлакатимизга ва унинг қадимий қадамжоларига қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Демак, ҳали олдинда фойдаланиш лозим бўлган имкониятлар кўп.

■ **Алишер РЎЗИЕВ**

XORIJDA

ҚАРИЙБ БАРЧАСИ ЁҚЛАДИ

БМТ Хавфсизлик кенгашининг қарийб барча аъзолари Фаластин билан Исроил ўртасида қарама-қаршилик юз бераётган ҳудудга халқаро кузатувчилар жойлаштиришни ёқлаб чиқди. Фақат АҚШ делегацияси бундай қарорга қарши овоз берди.

АҚШнинг БМТдаги вакили Жеймс Канингҳэм можарони фақат Исроил билан Фаластиннинг ўзи ҳал этиши керак, ташқаридан аралашув аҳволни мураккаблаштиради холос, деди.

СУД БОШЛАНИШ АРАФАСИДА

Шу кунларда Нью-Йоркдаги Бруклин тумани федерал судида Россия ва Беларус иттифоқи котиби П.Бородинни гаров пули эвазига озод этиш борасида навбатдаги суд жараёни бошланиш арафасида турибди. Бу ишни судья Южина Никерсон олиб боради.

Айни пайтда Россиянинг АҚШдаги элчихонаси вакиллари ҳамда П.Бородин тарафдорлари мунтазам равишда унинг ҳолидан хабар олиб турибди.

ЗИЛЗИЛА ТАКРОРЛАНМОҚДА

Салвадор аҳолиси ўтган пайшанба куни юз берган кучли зилзиладан ваҳимага тушмоқда. Унинг кучи Рихтер ўлчови бўйича 5,7 баллга етган эди.

Гарчи, бу гал табиий офат натижасида ҳеч ким қурбон бўлмаган эса-да, 13 январдан буён қайта-қайта юз бераётган силкинишлар мамлакат аҳолисининг олтидан бир қисмини бошпанасиз қолдирди.

ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНАДИ

Тбилисида Грузия ва Туркия давлатлари вакиллари ўртасида ҳарбий соҳада икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган. Ҳамкорлик доирасида қўшма ҳарбий машқлар ўтказиш, турли семинар ҳамда амалий учрашувлар ташкил этиш режалаштирилган.

САБР-ТОҚАТ ТУГАСА...

Никарагуа конгресси Гондурас ҳукуматини «ҳарбий бузғунчилик»дан тийилиб туришга чақирди. Акс ҳолда Никарагуа армиясининг сабр-тоқати тугаб, уруш чиқиши мумкин, дейилади мурожаатда.

Никарагуа миллий ассамблеяси (парламент) биринчи котиби Педро Хоакин Риос журналистлар билан учрашувда Гондурас қўшинларининг мамлакат чегарасида очиқдан-очиқ бузғунчилик қилаётганини маълум қилди.

МАМЛАКАТЛАР, ОДАМЛАР, УРФ-ОДАТЛАР

ҚАДИМИЙ ДИЁРГА ЯНГИ НАЗАР

МУХТОР ХУДОЙҚУЛОВ

Яқинда Англияда сафарда бўлдим ва у ердан олам-олам таассуротлар билан қайтдим. Неча асрлару замонлардан бери мавжуд бўлиб келаётган, дунёда ўзига хос салмоғу салоҳиятга эга бўлган Буюк Британия деб аталувчи мамлакатга биринчи бор келган сайёҳнинг назари, таассуротларини қадимий Англияга янги бир назар деб изоҳлагим келди. Шундай қилиб Англия ҳақидаги ўйлар, таассурот...

ЙЎЛЛАР ВА ЎЙЛАР

Мана, ниҳоят Англияга ҳам сафар қиладиган бўлдик. Гарчи бу сафар боиси, Буюк Британиянинг пойтахти бўлмиш Лондон шаҳрида истиқомат қилувчи яқинларимиз — ўғлим, келиним ва набираларимни кўриш бўлса ҳам, аслида мақсад ёшлигимдан буён жуда кўп марталаб эшитганим, ўқиганим — узоқдаги бу улуғ мамлакатни ўз кўзим билан кўриш эди. Тошкентдаги Англия элчихонасида консул жаноблари-нинг «Сафардан мақсадингиз нима?» деган саволига ҳам худди шундай жавоб бердим. У ҳам ғурур билан: «Марҳамат, боринг, кўринг, кўрса кўргудай мамлакатимиз бор», деди. «Боинг»да етти соатлик парвоздан сўнг Англиянинг Хитроу аэропортига беозоргина қўндик. Англиянинг йўллари ҳам кўрса кўргудек экан. Улар гарчи унчалик кенг бўлмаса ҳам саранжомсаришта, қулай: ортиқча ҳашамлар йўқ. Ҳар бир йўлнинг рақамию бурилишлар, ҳаракатга доир энг зарур белгиларгина кўзга ташланади. Асосий йўлларда машиналар жуда тез — соатига 80-100 милл, (бир милл 1,6 километр) ҳаракат қилар, кесишган йўллар асосий йўлнинг устидан ёки остидан ўтар экан. Бу ерда машиналар ҳаракати чап томонлама бўлганлиги боис дастлаб ноқулайроқ туюлса ҳам кўп ўтмай ўрганиб кетдик. Йўлларда автомобиль ҳаракати нозирлари ҳам кўринмаганидан ҳайрон эдим. Кейин билсам, ҳамма ҳаракат автоматик тарзда бошқарилар экан: йўл ҳаракати қоидалари бузилса ёки тезлик белгиланган даражадан оширилса махсус аппаратлар ўша заҳоти суратга олиб қўяркан ва эртасигаёқ уйингизга жарима хабарномаси етиб бораркан. Жарима ўз вақтида тўланмаса икки, уч баравар ортиб борар, ўшанда ҳам тўланмаса, суд томонидан ундириб олинаркан. Ҳа, йўлни бошқаришда ҳам ҳикмат кўп экан.

Сафаримизнинг кейинги кунларида ҳам Англиянинг қулай йўлларини кўп кўрдим ва бу йўлларни ўз йўлларимизга солиштирдим. Бизда худога шукр, жуда кўп янги йўллар барпо қилиняпти, борлари такомиллаштириляпти, узоқни яқин қилувчи кўприклар ва бошқа иншоотлар қад кўтараяпти. Яъни, биз йўллар соҳасида ҳам бу дунё ўлчамларига мос келадиган даражада ўсиб бораяпмиз. Бу — истиқлолимиз берган мевалардан биридир. Аммо ана шу йўллардан фойдаланиш, йўл ҳаракатларини ҳозирги замон талаблари даражасида бошқариш борасида Англиядан кўп нарсаларни ўрганишимиз керакка ўхшайди. Англия йўллари менда ана шу умидбахш ўйларни уйғотди.

КЕНГФЕЪЛЛИК ШАҲРИ

Бир юртдан иккинчи юртга борган сайёҳ фақатгина йўлга эмас, чор атрофга, уйларга ҳам қарайди. Мана — Лондоннинг уйлари. Мен уларнинг ғиштин бўлиши, унча баланд бўлмасликларини билардим. Мана энди ўз кўзим билан кўриб турибман. Йўлнинг икки четида кета-кетгунча ғиштин, томи черепица билан ёпилган уйлар бир-бирига уланиб кетган. Уларнинг аксарияти икки қаватли, бир-бирига ўхшаш, аммо деворсиз, дарвозасиз. Бу уйлар ташқи томондан оддий кўринса ҳам, ичида барча қулайликлар мавжуд. Буни биз ўғлим оиласи билан яшайдиган, шаҳарнинг марказидан унча узоқ бўлмаган Палмс грейн (Хурмазор) мавзеидаги (Лондонда бундай шаҳар гузарларини тоун дейишаркан) икки қаватли уйига кириб кўрдим. Уйда барча қулайликлар мавжуд, орқасида мўъжазгина ҳовли-боғи ҳам бор.

Шаҳар марказига яқинлашганингиз сари уйларнинг қаватлари ҳам ортиб, манзара ҳам ўзгариб боради. Марказда маҳобатли, баланд иморатлар, тантанавор майдонлар, осори-атиқалар, магазинлар, банклар ва бошқа ҳукумат идоралари, шу жумладан, мамлакат қироличаси яшайдиган сарой, Ҳукумат уйи жойлашган. Англия тарихида муносиб из қолдирган кўпгина машҳур кишиларга тикланган ҳайкаллар ҳам кўп. Мен Лондоннинг кўчаларини худди чумолининг инидай чувалашиб кетган ерости метроси йўлларида, икки қаватли автобусларда айланар эканман, шаҳарнинг кенглиги мени ҳайратлантирди. Худди шу кенгликка монанд одамларнинг феъл-атворлари ҳам кенг экан. Лондонликлар ўз машиналарини кўчага — уйларнинг олдига қўйиб кетишаверар эканлар. Уйларининг деразаларига темир панжаралар тўсишмас экан.

Лондондаги бундай — ҳам табиий, ҳам феъли кенглик, бемалолликни кўриб жуда таъсирландим.

(Давоми бор).

Тошкент саноат-фуқаро қурилиш очиқ акциядорлик жамияти банкротга учраганлиги муносабати билан 2001 йил 20-31 март кунлари ўзининг собиқ ишчи ва хизматчилари билан бухгалтерия ҳисоб-китобларини ниҳоясига етказади.

Манзил: Амир Темур кўчаси, 24-уй, 401-хона.

«Ўзсутгўштмахсусавтотранс» автотранспорт концерни тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади:
Тошкент шаҳри, У. Носир кўчаси, 158. Тел.: 50-37-70.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши ХДП Акмал Икромов туман кенгаши биринчи котиби Маҳмуд Собирович Ёқубовга отаси **Собир ЁҚУБОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ЯНГИЙЙЎЛ ЁF-МОЙ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Юртдошларимизни Наврўзи олам билан муборакбод этади.

Шунингдек, пахтакорлару пахта тозаловчиларни, фермеру деҳқонларни янги мавсум билан қутлаймиз. Янгиланиш ва яшариш фаслида ҳар бир кишига бахт, омад ҳамда доимий шодлик тилаймиз. Мустақиллигимизнинг ўнинчи баҳори тўкинлик ва фаровонлик рамзи бўлиб қолсин.

Ўзбекистон Оллоҳ назари тушган серқуёш, жаннатмакон ўлка. Бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Юртимизнинг келажаги янада буюк бўлиши йўлида бутун халқимиз бир ёқадан бош чиқариб, астойдил меҳнат қилиши зарур. Шу боис биз ҳам баракали меҳнатимиз билан иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга камарбастамиз.

Мана шу ёруғ ва фараҳбахш кунларда ватандошларимизни табриклар эканмиз, юртимизнинг ҳар бир гўшасида, ҳар бир қишлоғида, ҳар бир хонадонида тинчлик, осойишталик ҳукм сурсин!

«Янгийўл ёғ-мой» ОАЖ Кузатув кенгаши акциядорлари диққатига!

2001 йил 21 апрель соат 9.00 да Янгийўл шаҳар маданият уйида (Самарқанд кўчаси, 190-уй) «Янгийўл ёғ-мой» ОАЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик мажлиси бўлиб ўтади.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш соат 8.00 дан бошланади.

КУН ТАРТИБИ:

1. *Дирекциянинг 2000 йилги молия-хўжалик якунлари ҳақидаги ҳисоботи.*
2. *Йиллик баланс ва 2000 йилги соф фойда ва зарарларни тасдиқлаш.*
3. *Тафтиш комиссиясининг 2000 йил учун ҳисоботи ва уни тасдиқлаш.*
4. *2000 йил ишлаб чиқариш бўйича мустақил аудиторнинг хулосасини тасдиқлаш.*
5. *2000 йил молия-хўжалик ишлари якунлари бўйича соф фойдани тақсимлаш.*
6. *Жамиятнинг 2001 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.*

Кун тартибида белгиланган масалалар бўйича туғилган саволларга акциядорлар қуйидаги манзилда жавоб олишлари мумкин: Янгийўл шаҳар, Самарқанд кўчаси, 352-уй, «Янгийўл ёғ-мой» ОАЖ, телефон 8 (260) 2-63-94.

«ЯНГИЙЙЎЛ ЁF-МОЙ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЭМИССИЯ ПРОСПЕКТИ

Эмитент тўғрисидаги асосий маълумотлар:

1. **Эмитентнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи** — «Янгийўл ёғ-мой» очиқ акциядорлик жамияти — «Янгийўл ёғ-мой» ОАЖ.

2. **Эмитентнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли** — очиқ акциядорлик жамияти.

3. **Манзилгоҳи** — 702802, Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 352.

4. **Рўйхатдан ўтказган муассаса, давлат рўйхатидан ўтказиш санаси ва тартиб рақами:** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, 1994 йил 19 август № 299.

5. **Қимматли қоғозларни чиқаришни давлат рўйхатидан ўтказиш санаси ва тартиб рақами:** биринчи бор Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1994й. 07.11 № 11-1-167.

6. **Акциядорлик жамияти акциялар пакетини қайта тақсимлаш:**
— қўшимча акциялар Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан чиқарилган 1996 йил 31 майда № 11-1-167/Д тартиб рақами билан қайд этилган.
— Акциялар пакетини қайта тақсимлаш 1998 й. 16.04. № 11-1-167/Д-П рақами билан қайд этилган.
— Низом жамғармасини ошириш Тошкент вилояти қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш ҳудудий бошқармаси томонидан 1997.й. 9.07. № 11-1-167/Д-П-1 тартиб рақами билан қайд этилган.

7. **Акцияларни турлари бўйича тақсимланиши:** жами сони — 719760 дона
а) оддий эгаси ёзилган — 700588 дона
б) имтиёзли (овоз бериш ҳуқуқисиз) — 19172 дона

8. **Қимматли қоғозларни тақсимланиши** — *акциялар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб амалга оширилади.*

9. **Қимматли қоғозларни тақсимлашни тугатиш** — қимматли қоғозлар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 1 йилдан кеч бўлмаган вақт ичида амалга оширилади.

10. **Дивидендлар тўлаш муддатлари:** чорак ёки йил якунлари бўйича.

11. **Депозитария номи ва акциядорлик жамияти депо счети:**
«ВАҚТ» миллий депозитарияси депо счети 00326.

Жами			Давлат улуши			Меҳнат жамоаси улуши			Эркин сотиш учун улуш		
м.с.	дона	%	м.с.	дона	%	м.с.	дона	%	м.с.	дона	%
71976	719760	100	17994	179940	25	18354	183539	25,5	35628	356281	49,5

БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ 2001 ЙИЛ 1 ЯНВАРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

	АКТИВ	СУММА	ПАССИВ	СУММА
1	Узоқ муддатли активлар	294125	1. Ўзлик маблағларнинг манбалари	624813
2	Оборот активлари	757155	2. Мажбуриятлар	426467
	Баланснинг активи бўйича жами	1051280	Баланснинг пассиви бўйича жами	1051280

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР

1. Солиқ тўлангунга қадар умумий молиявий натижа — 531573 м.с.
2. Фойдадан солиқ ва бошқа ажратмалар — 196868 т.с.
3. Ҳисобот давридаги соф фойда — 334705 т.с.

Молиявий натижалар тўғрилиги «EKSPERT-KONSALT» аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган (Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 20.02.да берилган № 420 сонли лицензия).